

БУЙРУҚ № 05 - “D”

Тошкент ш.

“18” май 2020 й.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг
“Бозор инфратузилмалари субъектлари, банк-молия ташкилотлари билан
хамкорлик қилиш ва бизнес-режалар ишлаб чиқиш бошқармаси”
тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида

“Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси” тўғрисидаги Қонуни,
Устави ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2020 йил 22
апрелдаги Президиум мажлиси баёнига асосан

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг “Бозор инфратузилмалари субъектлари, банк-молия ташкилотлари билан хамкорлик қилиш ва бизнес-режалар ишлаб чиқиш бошқармаси” тўғрисидаги Низомни иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг “Бозор инфратузилмалари субъектлари билан ишлаш ва банк-молия ташкилотлари билан хамкорлик бошқармаси” тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 2018 йил 12 июндаги 11-“D”-сонли буйруғи ва “Маркетинг тадқиқотларини ташкиллаштириш ва бизнес-режалар ишлаб чиқиш бўлими” тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 2018 йил 19 июндаги 14-“D”-сонли буйруғи бекор қилинсин.

3. Мазкур Низом ижросини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг таркибий тузилмалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаларига юборилсин.

4. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш Раис ўринбосари Ж.Мамажанов зиммасига юклатилсин.

Раис



А.Икрамов

Киритилди: Раис ўринбосари



Ж.Мамажанов

Келишилди: Раиснинг биринчи ўринбосари



И.Жасимов

Раис ўринбосари

с/с

Ф.Тошпўлатов

Раис ўринбосари



Ф.Усманов

**Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг
“Бозор инфратузилмалари субъектлари, банк-молия ташкилотлари
билан ҳамкорлик қилиш ва бизнес-режалар ишлаб чиқиш бошқармаси”
тўғрисидаги
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Бозор инфратузилмалари субъектлари, банк-молия ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ва бизнес-режалар ишлаб чиқиш бошқармаси (бундан буён матнда “Бошқарма” деб юритилади) фаолиятини тартибга солади.

1.2. Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (бундан буён матнда “Палата” деб юритилади) Ижроия қўмитасининг таркибий тузилмаси ҳисобланади.

1.3. Бошқарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси “Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлари, Палата Устави, қарорлари, Президиум қарорлари, Палата раисининг буйруқ ва кўрсатмалари ҳамда мазкур Низом талаблари асосида амалга оширади.

1.4. Бошқарма фаолиятида қуйидаги айрим тушунчалар қўлланилади:

Бозор инфратузилмалари – бозорда товарлар ва хизматлар ҳаракатларини таъминлайдиган муассасалар ва ташкилотлар тизими ҳисобланади.

Бозор инфратузилмалари субъектлари – тижорат банклари, суғурта агентликлари, биржалар, молия - кредит, савдо фондлари ва бошқа ташкилотлар ҳисобланади.

Воситачилар – ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчининг манфаатларини ифодаловчи ёки уларнинг номидан турли хил бозорларда фаолият юритадиган юридик ёки жисмоний шахслар ҳисобланади.

Бизнес – тижорат фаолияти бўлиб, инглизча “busy” - банд бўлмоқ деган сўздан келиб чиққан. Бизнес – бу фойда олишга қаратилган фаолият. Ўзбек тилида “бизнес” сўзи тадбиркорлик маъносини беради.

Бизнес режа – маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчиларнинг ўз ишини қандай бошлаши, ишлаб чиқаришни самарали юритиши, товар ва хизматларни бозорга олиб чиқиши, технологияларни қўллаши, қачон дастлабки даромад олиши, таваккалчиликни камайтириш, сарф-харажат даражаси ва фойда олиш, рақобат муҳити каби кўрсаткичларни ўзида акс эттирувчи хужжат.

II. Бошқарманинг асосий вазифалари

2.1 Бошқарманинг асосий вазифалари қуйидаги йўналишлардан келиб чиқилган ҳолда белгиланади. Жумладан,

- Бозор инфратузилмалари субъектлари:

а) бозор инфратузилмалари субъектлари билан янгича ишлаш, ҳамкорликнинг кўп натижа берадиган юқори ҳаракатчанликка (мобилликка) эга тизимини йўлга қўяди;

б) ҳудуд ички бозорида хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмалари субъектлари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиради.

в) бозор инфратузилмалари билан боғлиқ зарур ахборотларни ҳамда уларнинг хизматлари бўйича тадбиркорлик субъектларини хабардор қилиб бориш ва ушбу хизматлардан тўлақонли фойдаланишларини ташкил этиш тизимини йўлга қўяди;

г) тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган ислохотларга тўсиқ бўлувчи омиллар ва тизимли камчиликларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

д) тадбиркорлик субъектларига бозор инфратузилмалари субъектларининг хизмат кўрсатишини кенгайтириш ва янги хизмат турларини жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

е) бозор инфратузилмалари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларида ташкил этиладиган кўргазмалар, семинарлар, конференциялар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларда иштирок этади;

ж) тадбиркорлик субъектларига вилоят ва туман миқёсида ўз фаолиятини олиб боришда бозор инфратузилмалари субъектлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишларига кўмаклашади;

- Банк-молия ташкилотлари:

а) тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда молиявий қўллаб-қувватлаш яъни, зарур ахборотларни олишига ёрдам беради;

б) тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган ислохотларга тўсиқ бўлувчи омиллар ва тизимли камчиликларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

в) банк-молия ташкилотлари хизматлари бўйича берилган имтиёзлар ҳақида тадбиркорлик субъектларини хабардор қилиб бориш ва ушбу имтиёзлардан тўлақонли фойдаланишларини ташкил этиш тизимини йўлга қўяди;

г) Солиққа тортишни тартибга солиш, такомиллаштириш ва банк-молия ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиш ва уларни жойида ҳал этиш бўйича тадбиркорларга кўмаклашиш, зарур ҳолатларда муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритади;

д) вилоят ва туман миқёсида тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятини олиб боришда банк-молия масалаларида яқиндан ҳамкорлик қилишларига кўмаклашади;

е) банк-молия ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар бўйича тарғибот ишларини амалга оширади. Бу борада оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланади;

- Бизнес-режалар ишлаб чиқиш:

а) тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш бўйича амалий кўникмаларни ўзлаштиришига ёрдам беради;

б) кичик саноат ва эркин иктисодий зоналарда ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган, рақобатдош, замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга оид лойиҳалар бўйича бизнес-режалар ишлаб чиқишда тадбиркорлик субъектларига кўмаклашади;

в) ишлаб чиқилган бизнес-режалар бўйича маълумотлар базасини шакллантиради ва ушбу маълумотлар базасидан тадбиркорлик субъектларини кенг фойдаланишларига имкониятлар яратади;

2.2. Тадбиркорлик субъектларининг бизнесларини ривожлантиришда бозор инфратузилмалари субъектлари, банк-молия ташкилотлари хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар, шунингдек, Марказий банк, тижорат банклари, лизинг, консалтинг компаниялари ҳамда бошқа халқаро молия институтлари, корхоналар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

2.3. Палата раҳбарияти рухсати билан соҳа фаолиятига оид йиғилишларда қатнашади.

2.4. Бозор инфратузилмалари субъектлари ва банк-молия масалалари юзасидан экспертлар кенгаши ўтказилади.

2.5. Соҳага доир масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахслар ёки уларнинг вакиллари шаҳсан қабул қилиш, улар томонидан билдирилган мурожаатни ўз вақтида ва сифатли ҳал этиш бўйича чоралар кўради.

2.6. Бозор инфратузилмалари субъектлари ва банк-молия ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик тизимини жорий этиш асносида Палатанинг ҳудудий бошқармалари ходимларини малакавий кўникмаларини оширишга кўмаклашади.

2.7. Палатанинг тегишли бошқарма ва бўлимлари, шунингдек, унинг ҳудудий таркибий тузилмалари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишларни кенг жамоатчиликка етказиш, тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш, эришилган ютуқларни амалиётга кенг ёйиш мақсадида Палата тузилмалари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилади.

III. Бошқарманинг функциялари

3.1. Бошқарма вазифа ва йўналишларига алоқадор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича давлат, ҳудудий ва тармоқ дастурлари, қарор ва фармойишлар, низомлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади.

3.2. Бозор инфратузилмалари субъектлари, банк-молия ташкилотлари, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, маҳаллий ижроия ҳокимияти ва ўзини-ўзи бошқариш органларининг тегишли тузилмалари билан ҳамкорлик қилади.

3.3. Палатанинг ҳудудий бошқармалари орқали ҳудудларда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий маблағлар ва бизнес-режалар ишлаб чиқиш хизматига бўлган талабларини қондириш ҳамда комплекс ривожлантириш дастурларини амалга оширишга қўмаклашиш, уларга амалий ва услубий ёрдамлар кўрсатади.

3.4. Алоҳида ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлашда Палата тузилмалари ва бошқа ташкилотларнинг бўлим фаолиятига тааллуқли қисми бўйича фаолиятларини мувофиқлаштиради.

3.5. Солиққа тортишни тартибга солиш ва такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестициявий ва инновацион фаоллигини ошириш, банк кредитлари ва бошқа ресурсларни жалб этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан таклифлар киритиш ҳамда ушбу соҳада амалга оширилган ишлар самарадорлиги тўғрисида таҳлилий маълумотлар тайёрлайди.

3.6. Бошқарма жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида олинган хабарлар ва бошқа маълумотлар, мониторинг ва таҳлиллар асосида, шунингдек, Палата раҳбарияти топшириғига кўра жойларда ўрганишлар ўтказиши ҳамда аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди.

3.7. Бозор инфратузилмалари субъектлари ҳамда банк-молия ташкилотлари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, янгиликлар ва ўзгаришларни кенг жамоатчиликка етказиб бориш мақсадида доимий равишда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда тарғибот тадбирлари ўтказиб боради.

3.8. Ўзбекистон Республикаси “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун талабларига мувофиқ Палата номидан жамоатчилик назоратларида иштирок этади.

3.9. Бошқарма норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ Палата зиммасига юклатилган бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

IV. Бошқарма фаолиятини баҳоловчи мезонлар

4.1. Бошқарма фаолияти қуйидаги мезонларга асосан баҳоланади:

- Бозор инфратузилмалари субъектлари ва банк-молия ташкилотлари томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқилганлиги, уларнинг сифатлилиги ва амалда тадбиқ этилганлиги, шу жумладан:

а) банкнинг ўз маблағлари ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар;

б) хорижий кредит линиялари ва грант маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар;

в) ички ва ташқи бозорларда ўтказилган маркетинг тадқиқотлари ҳамда бизнес-режалар ишлаб чиқиш хизматлари бўйича тадбиркорларга берилган ахборот-маслаҳатларнинг ҳажми;

г) тадбиркорлик субъектларининг лойиҳалари бўйича ишлаб чиқилган бизнес-режалар сони;

д) тармоқ, соҳа ва ҳудудлар кесимида молиялаштириладиган лойиҳалар;

е) жамоатчилик назоратларида иштироклар сони;

- тадбиркорликни ривожлантиришни молиялаштириш бўйича дастурлар учун таклифлар ишлаб чиқилган ва уларни амалга оширишда иштирок этилганлиги, шу жумладан:

а) давлат дастурлари;

б) маҳаллий дастурлар;

в) тармоқ дастурлари;

- ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти таҳлили юритилганлиги ва улардан амалда фойдаланилганлиги, шу жумладан:

а) бозор инфратузилмаси субъектлари (банк, сугурта, молия, лизинг ва бошқалар) таҳлили;

б) тадбиркорлик субъектларига бизнесни ташкил этиш, юритиш ва янада ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатилганлиги таҳлили;

в) бизнес-режалар тайёрлаш, хусусан, ташкил этилган кичик саноат ва эркин иқтисодий зоналарда ички ва ташқи бозорларда талаб юкори бўлган, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга оид лойиҳалар бўйича бизнес-режалар ишлаб чиқилганлиги таҳлили.

V. Бошқарма фаолиятини ташкил этиш тартиби

5.1. Бошқарма фаолияти ходимлар ўртасида иш тақсмотини аниқ вазифалар, ҳудудларда ва ўриндошлик асосида ташкил этиш орқали амалга оширилади.

5.2. Бошқарманинг иш режасида қайд этилган ҳар бир банднинг ижроси учун бошқарма, шунингдек, тадбирнинг ижросини ҳамкорликда таъминлаши лозим бўлган тузилмалар аниқ белгилаб қўйилади.

5.3. Бошқарма фаолият йўналишига оид таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, ишни ташкиллаштириш бўйича Палатанинг йиллик, ярим йиллик иш режаларига таклифлар берилади.

5.4. Бошқармада тезкор йиғилишлар ўтказилади, уларда бошқармага тааллуқли ва бевосита тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинади.

5.5. Бошқарма ўзига юклатилган вазифалар доирасида Палатанинг таркибий тузилмалари, тадбиркорлик фаолиятига алоқадор давлат ва нодавлат ташкилотлар, маҳаллий ижроия ва ўзини-ўзи бошқариш органлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорликда ишларни ташкил этади.

5.6. Бошқарма томонидан ҳудудий тузилмаларда соҳа фаолиятини яхшилашга қаратилган услубий тавсиялар ишлаб чиқади ва жойларга юборади, соҳада ишни ташкил этиш борасида белгиланган тартибда методик ва амалий ёрдамлар кўрсатади.

5.7. Палата ҳудудий тузилмаларидан тегишли ахборотлар олади ва таҳлилий маълумотномалар тайёрлайди.

5.8. Бошқарма ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантиришда бозор инфрагузилмалари субъектлари ва банк-молия ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳамда бизнес-режалар ишлаб чиқиш борасида амалга оширилган ишлар бўйича таҳлилий ҳужжатлар тайёрлайди ва бу ҳақда Палата раҳбариятига ахборот бериб боради.

5.9. Бошқармада амалга оширилган ишлар юзасидан даврий ҳисоботлар тузилиб, умумлаштириш учун ахборот-таҳлил бошқармасига тақдим этилиб борилади.

5.10. Бошқарманинг ташкилий тузилмаси:

а) бошқарма бошлиғи;

б) бошқарма бошлиғи ўринбосари (1 нафар);

в) бош мутахассис (2 нафар);

г) етакчи мутахассис (1 нафар).

5.11. Бошқарманинг барча раҳбар ва ходимлари Палата раиси ёки у кўрсатган шахсининг суҳбати асосида Палата раисининг буйруғи билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

VI. Бошқарма бошлиғининг ваколатлари

6.1. Бошқарма фаолиятини бошқаради.

6.2. Бошқарма фаолияти билан боғлиқ барча ишларни амалга оширилишини ташкиллаштиради ва бажарилишини назорат қилади.

6.3. Бошқарма фаолияти юзасидан Палата раҳбариятига ахборот бериб боради.

6.4. Палата раҳбарияти томонидан тасдиқланган иш тақсимотига асосан мажбуриятларни бошқарма ходимлари ўртасида аниқ вазифалар асосида тақсимлайди.

6.5. Келиб тушган ҳужжатларни ходимларга ижро учун топширади ва ижросини назорат қилади.

6.6. Бошқарма фаолиятига тааллуқли бўлган Палата раҳбарияти буйруқлари, топшириқлари ва кўрсатмалари ҳамда Палатанинг Ижроия қўмитаси, Президиуми қарорларининг бажарилишини ташкил этади.

6.7. Бошқарма ходимларини ижро интизомига риоя қилишларини таъминлайди ва назорат қилади.

6.8. Палатанинг, бошқарма ва ҳудудий тузилмаларнинг иш режаларига таклифлар беради ҳамда уларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилишини ташкиллаштиради.

6.9. Бошқарма фаолияти, шунингдек, соҳага оид масалалар юзасидан Палатанинг Ижроия қўмита мажлиси, Президиуми йиғилишларга муҳокама этиш учун материаллар тайёрланишини таъминлайди.

6.10. Бошқарма фаолиятига доир масалаларни тезкор йиғилишларда муҳокама қилиб, тегишли чора-тадбирлар белгилайди.

6.11. Палата раҳбарияти томонидан тасдиқланган Регламентга мувофиқ ички ҳужжат юритиш қоидалари бўйича иш юритишни ташкиллаштиради.

6.12. Палата раҳбарияти топшириғига кўра ҳудудий бошқармалар фаолиятини ўрганиш ва текширишларда қатнашади, уларга амалий ёрдамлар кўрсатади, ижобий иш тажрибаларини оммалаштириш ва амалиётга тадбиқ этилишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар кўради.

6.13. Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилади. Бошқармага келиб тушган мурожаат (ариза, шикоят, таклиф)ларни Палата раҳбарияти кўрсатмаси бўйича бошқарма ходимларига кўриб, ҳал этиш учун топширади ва назорат қилади.

6.14. Тадбиркорликни ривожлантиришнинг молиявий қўллаб-қувватланиши ҳолати ҳамда бизнес-режалар ишлаб чиқиш тўғрисидаги статистик ва бошқа маълумотлар тўпланиши ва таҳлил қилинишини, натижаси бўйича мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўриш ҳақида Палата раҳбариятига таклифлар киритади.

6.15. Палатанинг бошқа таркибий тузилмалари, бозор инфратузилмалари субъектлари, банк-молия ташкилотлари ва тадбиркорлик фаолиятига алоқадар ташкилот ва идоралар, маҳаллий ижроия органлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорликда ишларни ташкил қилади.

6.16. Палата раҳбариятининг руҳсати билан соҳа фаолиятига оид йиғилиш ва анжуманларда қатнашади.

6.17. Бошқармада ишлаш учун ходимларни танлаш, ходимларни рағбатлантириш ҳамда интизомий жазога тортиш масалаларида Палата раҳбариятига таклифлар киритади.

VII. Бошқарма бошлиғи ўринбосарининг ваколатлари

7.1. Бошқарма бошлиғи ўринбосари бошқарманинг иш таксимотида асосан фаолиятни амалга ошириб, бошқарма бошлиғига ва Палата Ижроия қўмитаси раҳбариятига ахборот бериб боради.

7.2. Бошқарма фаолиятига тааллуқли бўлган Палата раҳбарияти буйруқлари, топшириқлари ва кўрсатмалари ҳамда Палатанинг Ижроия кўмитаси, Президиуми қарорларининг бажарилишини ташкил этади.

7.3. Палата ва Бошқарманинг иш режаларига таклифлар тайёрлайди ва уларнинг бажарилиши чораларини кўради ва ижро этилишида қатнашади.

7.4. Палата раҳбарияти топшириғига кўра ҳудудий бошқармалар фаолиятини ўрганиш ва текширишларда қатнашади, уларга амалий ёрдамлар кўрсатади, ижобий иш тажрибаларини оммалаштириш ва амалиётга тадбиқ этилишини таъминлаш юзасидан раҳбариятга таклиф киритади.

7.5. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши ва қонуний ҳал этилишини назорат қилади.

7.6. Бошқармада ҳал қилинган мурожаатлар бўйича қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартибда жавоблар тайёрланишини ва муаллифларга юборилишини ташкил этади.

7.7. Тадбиркорлик субъектларининг вакилларини шахсан қабул қилади;

7.8. Ўзига бириктирилган вазифалар, соҳа ва ҳудудлар бўйича тақдим этилган маълумотларни ўрганади, умумлаштиради ҳамда ушбу маълумотлар асосида таҳлилий ҳисоботлар тайёрлайди.

7.9. Бошқарма ва ҳудудий тузилмалар ходимларининг касб малакасини ошириш борасида машғулотлар ва амалий ўқув семинарлари ташкиллаштиради;

7.10. Тадбиркорликни ривожлантиришнинг молиявий қўллаб-қувватланиши ҳолати ҳамда бизнес-режалар ишлаб чиқиш тўғрисидаги статистик ва бошқа маълумотлар тўпланиши ва таҳлил қилинишини, натижаси бўйича мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлайди, услубий тавсия ва қўлланмалар ишлаб чиқади.

7.11. Палатанинг бошқа таркибий тузилмалари, бозор инфратузилмалари субъектлари, банк-молия ташкилотлари ва тадбиркорлик фаолиятига алоқадар ташкилот ва идоралар, маҳаллий ижроия органлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорликда ишларни ташкил қилишда иштирок этади.

7.12. Палата раҳбариятининг руҳсати билан соҳа фаолиятига оид йиғилиш ва анжуманларда қатнашади.

7.13. Иш юритишни Йўриқнома асосида олиб борилишини ташкиллаштиради.

7.14. Бошқарма бошлиғи вақтинча ўз ўрнида бўлмаганда, Бошқарма бошлиғи вазифасини унинг ўринбосари бажаради.

VIII. Бошқарма бош мутахассисининг ваколатлари

8.1. Бошқарма бош мутахассиси бошқарманинг иш таксимотига асосан фаолиятни амалга ошириб, бошқарма бошлиғига ва Палата раҳбариятига ахборот бериб боради.

8.2. Палата раҳбариятининг буйруқ ва кўрсатмалари, Палата ва бошқарма иш режалари, Президиум ва Ижроия кўмита қарорларининг бажарилишини ташкил қилади, бошлиққа мажлис муҳокамаси учун ҳужжатларни тақдим этади.

8.3. Палата ва бошқарманинг йиллик, ярим йиллик иш режаларига таклифлар тайёрлаб бошлиққа тақдим этади ҳамда уларнинг бажарилиши чораларини кўради ва ижро этилишида қатнашади.

8.4. Раҳбарият топшириғига кўра ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, ички ва ташқи бозорларда ўтказилган маркетинг тадқиқотлари ҳамда бизнес-режалар ишлаб чиқишга оид масалаларни ўрганишда, ҳудудий тузилмаларнинг фаолиятини текширишда қатнашади, ижобий тажрибаларни оммалаштириш ва аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан раҳбариятга таклиф киритади.

8.5. Ўзига бириктирилган вазифалар, соҳа ва ҳудудлар бўйича тақдим этилган маълумотларни ўрганади, умумлаштиради ҳамда ушбу маълумотлар асосида таҳлилий ҳисоботлар, прогноз ва эксперт хулосаларини ишлаб чиқади.

8.6. Жисмоний ва юридик шахсларнинг, Палата аъзоларининг муурожаатларини белгиланган муддатларда ҳар томонлама ўрганиб чиқади, муурожаатлар бўйича эксперт хулосалар, ахборот ва таҳлилий маълумотномалар тайёрлайди ҳамда Палата раҳбарияти буйруқ ва кўрсатмаларида белгиланган тартибда жавоблар тайёрланишини ва муаллифларга юборилишини ташкил этади.

8.7. Палата раҳбарияти топшириғига кўра ишбилармон доира вакиллари, халқаро банк-молия ташкилотлари ва давлат органлари иштирокидаги мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш масалаларига оид конференция, семинар ва давра суҳбатларида қатнашади.

8.8. Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва молиявий қўллаб-қувватлаш, савдо-иктисодий ривожлантириш масалалари бўйича конференциялар, давра столлари, семинарлар, кооперацион биржалар, бизнес форумлар ташкил этиш ва ўтказишда қатнашади.

8.9. Бошқарма бош мутахассиси меҳнат қонунчилигига мувофиқ унга бириктирилган функционал вазифаларини ўз вақтида ва сифатли бажариши бўйича жавобгарликни зиммасига олади.

IX. Бошқарма етакчи мутахассисининг ваколатлари

9.1. Етакчи мутахассис бевосита бошқарма бошлиғига бўйсунди.

9.2. Ишлаб чиқалаётган лойиҳаларни амалга оширишнинг ижтимоий иқтисодий кўрсаткичлари бўйича эксперт баҳолашни амалга оширади.

9.3. Иш ваколатига доир масалалар бўйича Палата ҳудудий бошқармаларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириб боради.

9.4. Йиллик ва ярим йиллик иш режаларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади, бажарилиши бўйича маълумотларни умумлаштириради ва Бошқарма бошлиғига тақдим этади.

9.5. Ҳисобот даврига доир қилинган ишлар бўйича йиллик ҳисоботни умумлаштиради ва Бошқарма бошлиғига тақдим этади.

9.6. Палата раҳбарияти томонидан тасдиқланган Регламентга мувофиқ ички ҳужжат юритиш қоидалари бўйича иш юритади.

9.7. Палата раҳбарияти топширигига кўра ишбилармон доира вакиллари ва давлат органлари иштирокидаги мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш масалаларига оид конференция, семинар ва давра суҳбатларида қатнашади.

9.8. Ўрнатилган тартибда ўзига юклатилгандан бошқа функцияларни ва Палата раҳбарияти топшириқларини бажаради.

9.9. Бошқарма етакчи мутахассиси меҳнат қонунчилигига мувофиқ унга бириктирилган функционал вазифаларини ўз вақтида ва сифатли бажариши бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олади.

9.10. Бошқарма фаолиятига оид маълумотлар ва зарурий ҳужжатларни Палата бўлинмалари ва ҳудудий бошқармаларидан олади ва фойдаланади.

Х. Бошқармада иш юритишни ташкил этиш тартиби

10.1. Палата раҳбарияти томонидан тасдиқланган Регламентга мувофиқ ва ушбу Низомда кўрсатилган тартибда иш юритишни Бошқарма бошлиғи ташкиллаштиради ва ходимларнинг функционал вазифаларидан келиб чиқиб ҳужжатларни ижро учун тақсимлайди ҳамда бажарилиши устидан умумий назорат қилади.

10.2. Ҳужжатлар ижроси учун белгиланган масъул ходим унинг қонунчиликда белгиланган тартибда, ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун жавобгар ҳисобланади.

10.3. Бошқарма бошлиғи томонидан иш юритиш бўйича тайинланган масъул ходим:

а) келиб тушаётган хат, ариза, шикоятлар ва оғзаки мурожаатлар ҳисоби ва уларнинг қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқилиши бўйича умумлаштирган маълумотларни Палата раҳбариятига тақдим этади;

б) келиб тушган мурожаатларнинг тез ва сифатли бажарилиши учун зарур барча ҳаракатларни амалга оширади;

в) иш юритиш ва ҳужжатлар ижроси реестрини шакиллантиради ва таҳлилини юритади.

10.4. Ҳужжатларни ижро этиш тартиби, муддати ва уларнинг таҳлили Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари, идоралари, корпорациялари, концернлари, уюшмалари, компаниялари ва бошқа марказий муассасалари аппаратларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича намунавий йўриқнома” ва Палатанинг ички тартиб қоидаларига асосан амалга оширилади.

10.5. Фаолият йўналишига оид барча ҳужжатларни Бошқарма бошлиғи кўриб чиқади, таклифлар ва ўзгартиришлар киритади ҳамда Бошқарма номидан имзолайди.